



**ҲАҚИҚАТНИ АНИҚЛАШ ЖАРАЁНИДА
ДАЛИЛЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ ВА УНИ ТЎПЛАШ,
ТЕКШИРИШ ВА БАҲОЛАШНИ АМАЛГА
ОШИРУВЧИ МАНСАБДОР ШАХСЛАРНИНГ
ДОИРАСИ ХУСУСИДА**

Сайфуллаев Нодирбек Улуғбек ўғли
мустақил изланувчи

Аннотация. Ушбу мақолада ҳақиқатни аниқлаш принципининг муҳим элементи бўлган исбот қилиш жараёнида далиллар тушунчаси, унинг турлари ва исбот қилиш ҳақиқатни аниқлашнинг шакли сифатидаги ўрни ҳамда далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашни бевосита амалга оширувчи шахсларнинг ҳақиқатни аниқлашдаги роли илмий жиҳатдан очиб берилган. Шунингдек, мақолада исбот қилиш жараёнидаги бўшлиқларни тўлдириш учун таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: “ҳақиқатни аниқлаш”, “исбот қилиш”, “далил”, “электрон далил”, “ёзма далил”, “ашиёвий далил”, “прецедент”.

Абстрактный. В данной статье научно объясняется понятие доказательства в процессе доказывания, которое является важным элементом принципа установления истины, его виды и роль доказательства как формы установления истины, а также роль тех которые непосредственно собирают, проверяют и оценивают доказательства в целях установления истины. В статье также выдвигаются предложения по заполнению пробелов в процессе доказывания.

Ключевые слова: «установление истины», «доказательство», «доказательства», «электронные доказательства», «письменные доказательства», «вещественные доказательства», «прецедент».

Abstrakt. In this article, the concept of evidence in the process of proof, which is an important element of the principle of truth determination, its types and the role of proof as a form of truth determination, and the role of persons who directly

collect, verify and evaluate evidence in truth determination are scientifically revealed. The article also makes suggestions to fill the gaps in the proof process.

Key words: *"fact finding", "proof", "evidence", "electronic evidence", "written evidence", "physical evidence", "president".*

Жиноят процессуал қонунчилигининг вазифалари жиноятларни тез ва тўла очиш, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиш ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслик ва ҳукм қилинмаслик учун ҳақиқий айбдорларни фош этишдан ҳамда қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлашдан иборатдир.

Шу боисдан ҳам жиноят процессуал қонунчилигининг моҳияти содир этилган жиноятни ўз вақтида очиш, қилмишида жиноят таркиби бўлган ҳар бир шахсни адолатли жавобгарликка тортиш ҳамда унга муносиб жазо тайинлаш ҳақидаги қарорлар, ҳулосалар ва ҳукмларда намоён бўлади.

Бироқ, мазкур тергов ва суд ҳужжатлари мазмунан маълум бир фактик маълумотларга асосланади. Бу маълумотлар жиноят ва жиноят процессуал қонунчилигида **далил** деб номланади.

Жиноят процессуал кодексининг 25-боби (нарсаларни, ҳужжатларни ва электрон маълумотларни ашёвий, ёзма ва рақамли далил сифатида ишга қўшиб қўйиш)да далилларнинг 3 та тури (*ашёвий, ёзма ва рақамли*) келтирилади.

Ашёвий далил - келиб чиқишини, кимга тегишлилигини, маълум мақсадларда фойдаланилганлигини ёки фойдаланишга яроқлилигини, қўлдан-қўлга ўтганлиги ёки турган жойи ўзгарганлигини, у ёки бу моддалар, нарса, жараён ва ҳодисалар таъсир этганлигини аниқлаш мумкин бўлган физикавий аломатлар ёки белгиларга, шунингдек иш ҳолатларини аниқлашга хизмат қиладиган ҳар қандай бошқа аломатлар ва белгиларга эга бўлган нарса ашёвий далил ҳисобланади.

Ёзма далил - мансабдор шахс ёки фуқаро томонидан сўз, рақам, чизма ёки бошқа шаклда ёзилган ва иш учун аҳамиятли бўлиши мумкин бўлган

маълумотларни сақлаш, ўзгартириш, бериш учун мўлжалланган ҳужжат ёки бошқа ёзувлар, шунингдек тергов ҳаракатининг баённомаси, суд мажлисининг баённомаси ва уларнинг иловалари ҳам ёзма далил ҳисобланади.

ЖПКнинг 203-моддасида кўрсатилган аломатлари, белгилари, излари бўлган ҳужжатлар ва бошқа хатлар ҳам ашёвий далил бўлиб хизмат қилиши мумкинлиги белгиланган.

Рақамли далил - иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлган электрон маълумотлар, шу жумладан электрон тарздаги файллар, аудио-, видеоёзувлар, Интернет жаҳон ахборот тармоғида сақланаётган маълумотлар, шунингдек бошқа электрон маълумотлар, шунингдек терговга кадар текширув, суриштирув, тергов ва суд жараёнида тузилган процессуал баённомаларга илова қилинган, электрон маълумотлар тарзида шакллантирилган аудио-видеоёзувлар ҳам рақамли далиллар ҳисобланади.

Юқорида таърифланган далил турларининг барчаси маълум бир жиноят иши доирасида иш юритишга масъул мансабдор шахс томонидан эътироф этилган ва иш ҳужжатларига қўшилган, олинган, текширилган, баҳоланган маълумотлар йиғиндисидир.

Шунинг учун ҳам бундай маълумотларини исбот қилиш жараёнида қиймати юқори бўлади ва айнан ушбу жараёнида далиллар тўпланади, текширилади ва баҳоланади.

ЖПКнинг 85-моддаси (исбот қилиш)да исбот қилиш ишни қонуний, асосланган ва адолатли ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги ҳақиқатни аниқлаш мақсадида далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашдан иборатлиги белгилаб қўйилган.

Бироқ фикримизча, фақат жиноят процессуал кодексида белгиланган ушбу 3 та турдаги фактик маълумотгина далил ҳисобланиши мумкин деб тушунмаслик лозим, сабаби ЖПКнинг 8-боби (далиллар), 81-моддаси (далил

турлари)да ижтимоий хавфли қилмишнинг юз берган-бермаганлигини, шу қилмишни содир этган шахснинг айбли-айбсизлигини ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни суриштирувчининг, терговчининг ва суднинг қонунда белгиланган тартибда аниқлашига асос бўладиган ҳар қандай фактик маълумотлари жинойт иши бўйича далил ҳисобланиши ҳамда бу маълумотлар гувоҳнинг, жабрланувчининг, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг кўрсатувлари, экспертнинг ҳулосаси, ашёвий, ёзма ва рақамли далиллар, овозли ёзувлар, видеоёзувлар, кинотасвир ва фотосуратлардан иборат материаллар, тергов ва суд ҳаракатларининг баённомалари ва бошқа ҳужжатлар билан аниқланиши белгиланган.

Кўриб чиқиладиган норма назарий жиҳатдан таҳлил қилинадиган бўлса, ашёвий, ёзма ва рақамли (электрон) далил ҳисобланмаган, аммо қонунда назарда тутилган тартибда олинган, текширилган ва баҳоланган ҳар қандай маълумотлар далил сифатида эътироф этилиши ҳамда исбот қилиш жараёнида фойдаланиш мумкинлигини кўриш мумкин.

Шу билан биргаликда мазкур ўринда таъкидлаш жоизки, ЖПКнинг 81-моддаси 1-қисмида кўрсатилган ишни исботлашга масъул бўлган мансабдор шахслар, яъни суриштирувчининг, терговчининг ва суднинг қонунда белгиланган тартибда аниқлашига асос бўладиган ҳар қандай фактик маълумотлари далил бўлади деб тушунмаслик лозим. Чунки жинойт процессуал қонунчилигида далиллар масаласи билан шуғулланувчи бошқа мансабдор шахсларнинг ҳам ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 сентябрдаги “Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 442-сон қонуни билан ЖПК 39¹-модда билан

тўлдирилган бўлиб, унда терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар киритилган.¹

Шу ўринда қайд этиш лозимки, мазкур моддага кўра бугунги кунда жами 14 та органга тергов қадар текширув ваколати берилган бўлиб, ушбу органларнинг зиммасига ҳақиқатни аниқлаш учун зарур чоралар кўриш вазифаси, шу жумладан жинойт аломатларини аниқлаш ва жинойт содир этган шахсларни топиш, ушбу Кодекснинг қоидаларига мувофиқ текшириб чиқилганидан сўнг жинойт иши юзасидан далил тариқасида фойдаланиш мумкин бўлган маълумотларни аниқлаш мақсадида илмий-техника воситаларидан фойдаланган ҳолда, тегишли экспертизалар тайинлаш вазифаси юклатилади.

Айнан шу сабабли ҳақиқатни аниқлаш мақсадида далилларни тўплаш, текшириш ҳамда баҳолаш жараёнида терговга қадар текширув органларининг вазифа ва функциялари рўёбга чиқади.

ЖПКнинг 329-моддаси (жинойтга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни кўриб чиқиш тартиби)да ҳам айнан терговга қадар текширув босқичининг исботлаш жараёнидаги биринчи босқич эканлиги ҳамда терговга қадар текширув ҳаракатлари давомида далилларни тўплаш, текшириш ҳамда баҳолаш мақсадида ўтказиши мумкин бўлган бир қатор тергов ва процессуал ҳаракатлар ўтказишга рухсат берилган.

Жумладан, ЖПКнинг 39¹-моддаси (терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар)да назарда тутилган мансабдор шахслар, терговга қадар текширув давомида қўшимча ҳужжатлар, тушунтиришлар талаб қилиб олиш, шунингдек шахсни ушлаб туриш ушбу Кодекс 162-моддаси (Шахсий тинтув ва олиб қўйиш)нинг иккинчи қисмига мувофиқ шахсий тинтув ва олиб қўйиш, ходиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, экспертиза ўтказиш, тафтиш

¹ Ўзбекистон Республикасининг қонуни. “Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”. 2017 йил 6 сентябрдаги ЎРҚ-442-сон. -<https://lex.uz>.

тайинлаш, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш ҳақида топшириқлар беришга рухсат берилган. Ушбу норманинг ўзи ҳам терговга қадар текширув органи мансабдор шахсларида далиллар билан ишлашга мақбул шахс эканлигини кўрсатади.

Фикримизча, тадқиқ этилаётган моддада далиллар билан бевосита ишловчи субъектлар қаторига *терговга қадар текширув органларини* ҳам киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бундан ташқари, **ҳақиқатни аниқлаш мақсадида** далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашда назорат қилувчи прокурорнинг ҳам муҳим ролини алоҳида эътироф этиш лозим.

ЖПКнинг 81-моддаси (далилларнинг турлари)да далиллар билан ишловчилар қаторида назорат қилувчи прокурорларнинг ваколати кўзда тутилмаган бўлсада, бироқ ЖПКнинг 382-моддаси (прокурорнинг ваколатлари)да назорат қилувчи прокурор суриштирувда, дастлабки терговда иштирок этади ҳамда зарур ҳолларда, жиноят процессуал кодексига мувофиқ, ҳар қандай жиноят ишини иш юритишни шахсан ўз юритувчига олиш, айрим тергов ҳаракатларини шахсан бажариш ёки терговни тўлиқ амалга ошириш ваколати берилган.

Назарий жиҳатдан, ҳар қандай терговга қадар текширувни, суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширган мансабдор шахс, далилларни бевосита тўплаган, текширган ва баҳолаган бўлади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида” қонунида прокурорлар фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилишини жиноий хусусиятга эга деб билиш учун асослар мавжуд бўлган тақдирда жиноят иши қўзғатиши ҳамда уни содир этган шахсларни қонунга биноан жиноий жавобгарликка тортилишига доир чораларни кўради.²

² Ўзбекистон Республикасининг қонуни. “Прокуратура тўғрисида”. 2001 йил 29 августдаги 257-II-сон янги таҳрирда. -25-модда. <https://lex.uz>.

Шу сабабли ҳам юқоридаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган прокурор айнан уларга берилган ваколатлар доирасида мустақил терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов ҳаракатларини ўтказиши ва ўз иш юритишдаги терговга қадар текширув ва жиноят иши ҳужжатлари бўйича далил тўплаш ҳуқуқига эгадирлар.

Шу боис, ЖПКнинг 81 моддаси (далилларнинг турлари)ни қуйидаги мазмундаги биринчи қисм билан тўлдириш мақсадга мувофиқ бўлади:

Ижтимоий ҳавфли қилмишнинг юз берган-бермаганлигини, шу қилмишни содир этган шахснинг айбли-айбсизлигини ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни терговга қадар текширув органлари мансабдор шахсининг, суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ва суднинг қонунда белгиланган тартибда аниқлашига асос бўладиган ҳар қандай фактик маълумотлар жиноят иши бўйича далил ҳисобланади.

Шунингдек, ҳақиқатни аниқлаш жараёни жиноят-процессуал қонунчилигида комплекс жараён бўлиб, бу далилларни далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш орқали амалга оширилади.

ЖПКнинг 85 моддаси (исбот қилиш)да исбот қилиш ишни қонуний, асосланган ва адолатли ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги ҳақиқатни аниқлаш мақсадида далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашдан иборатлиги белгилаб қўйилган.

Бироқ, мазкур нормада исбот қилишнинг тушунчаси, мақсади ва аниқ белгилаб берилмаган.

Г.В. Нефадовскийнинг фикрича, жиноят қонунчилигида ҳақиқатни аниқлаш муаммоси, мазкур юридик атаманинг энг катта муаммо бўлганлиги боис, ўзининг кенг тушунчасига эга эканлиги ва ҳақиқатни рўёбга чиқариш

учун қонунда назарда тутилган ва қонунда назарда тутилмаган барча усуллардан фойдаланиши билан исбот қилишдан ажралиб туради.³

Жиноят-процессуал қонунчилиги назариясида ҳам исбот қилиш якуний мақсад ва босқич сифатида, уни амалга ошириш воситаси эса ваколатли органлар томонидан далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш орқали амалга оширилади.

Исбот қилиш ишни қонуний, асосланган ва адолатли ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашдан иборат деб тушунилади.

Шу сабабли ҳам назаримизда, ЖПКнинг 85 моддаси (далилларнинг турлари)ни қуйидаги мазмунда тўлдириш мақсадга мувофиқ бўлади:

Ишни қонуний, асосланган ва адолатли ҳал қилиш учун ҳақиқатни аниқлаш мақсадида далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш усули орқали амалга ошириладиган комплекс жараёндир.

Шу ўринда қайд этиш керакки, исбот қилиш қонунда назарда тутилган тартибда адолатни таъминлаш учун далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашдан иборат бўлса, ҳақиқатни аниқлаш нафақат далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашдан, балки қонунда назарда тутилмаган тартибда қонуний йўллар билан ёки юридик прецедент ва бошқа барча мавжуд қонуний имкониятлардан фойдаланишни англатади.

Тадқиқ этилаётган мавзунинг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, тезкор-қидирув фаолияти ҳам айнан терговга қадар текширув ҳаракатларининг мантиқий жиҳатдан таркибий қисми бўлганлиги сабабли ЖПКнинг 81-моддаси (далилларнинг турлари)да агар тезкор-қидирув тадбирларининг натижалари фақат қонун талабларига мувофиқ олинган бўлса, ушбу Кодекс нормаларига мувофиқ текширилган ва баҳоланганидан кейин ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг ёки тезкор-

³ Г.В. Нефадовский. Жиноят процессида ҳақиқатни аниқлаш муаммоси - фалсафа муаммоси сифатида. Москва - 2007 й.

қидирув тадбирида иштирок этган бошқа шахсларнинг ҳаракатларига боғлиқ бўлмаган ҳолда шахсда жиноят содир этиш учун шаклланган қасд мавжуд бўлганлигидан далолат берса, ушбу натижалар далил сифатида тан олиниши мумкин.

Бироқ, тадқиқ этилаётган мазкур масалада ҳам бир қатор ўзига хосликлар ва қўшимча тартибга солиш лозим бўлган жиҳатларни кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида” қонунининг 3-моддаси (тезкор-қидирув фаолияти тушунчаси)да тезкор-қидирув фаолияти ушбу Қонун билан махсус ваколат берилган давлат органларининг тезкор бўлинмалари томонидан тезкор-қидирув тадбирлари ўтказиш орқали амалга ошириладиган фаолият туридир эканлиги, 10-моддаси (тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар)да Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати, Мудофаа вазирлиги ҳарбий разведкаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг тезкор бўлинмалари амалга ошириши, 14-моддаси (тезкор-қидирув тадбирларининг турлари)да тезкор-қидирув тадбирлари кўрсатилган бўлиб, буларнинг барчаси деярли махфий тарзда амалга оширилади. Шу сабабли мазкур босқичда олинган далиллар барча ҳолатларда ҳам суриштирув ва тергов органларига тақдим этилмаслиги мумкин. Шу боисдан ҳам тезкор-қидирув фаолиятида ҳақиқатни аниқлаш ва шу жараёнда далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш қўшимча ёпиқ мустақил изланишни талаб қилади.⁴

⁴ Ўзбекистон Республикаси қонуни. “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”. 2012 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-344-сон.

Шунингдек, ЖПКнинг 22-моддаси (ҳақиқатни аниқлаш)га кўра, Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят юз берганлигини, унинг содир этилишида ким айбдорлигини, шунингдек у билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаши шарт.

Иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат ушбу Кодексда назарда тутилган тартибда топилган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкин. Гумон қилинувчидан, айбланувчидан, судланувчидан, жабрланувчидан, гувоҳдан ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслардан зўрлаш, қўрқитиш, ҳуқуқларини чеклаш ва қонунга хилоф бўлган ўзгача чоралар билан кўрсатувлар олишга ҳаракат қилиш ман этилади.

Иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқиши керак. Ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозим.

Далилларни тўплаш ва мустаҳкамлашда рухсат берилмаган усуллар қўлланилганлиги тўғрисидаги мурожаатлар қонунчиликда белгиланган тартибда суд-тиббий экспертизаси ёки бошқа экспертиза ўтказилган ҳолда мажбурий текширилиши лозим.

Фикримизча, ушбу моддада назарда тутилган ЖПКнинг ҳақиқатни аниқлашдан иборат махсус принципи терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов ва суд босқичида исботлашни амалга оширувчи мансабдор шахсларига берилган ваколат ва мажбуриятнинг чегарасини кўрсатади.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, исбот қилиш ишни қонуний, асосли ва адолатли ҳал этиш учун қонунда назарда тутилган тартибда далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш усуллари орқали ҳақиқатни аниқлаш мақсадида амалга ошириладиган узвий жараёнидир.

Ҳақиқатни аниқлаш принципи жиноят иши бўйича адолатли ва қонуний қарор қабул қилишнинг асоси ҳисобланади. Унинг мақсади содир этилган жиноятларни тўғри аниқлаш ва жамиятда адолатни таъминлаш ҳисобланади.

Шу сабабдан ҳам мазкур жараёнда далиллар билан ишлашда юзага келаётган янги ижтимоий муносабатларни ўз вақтида қонун даражасида тартибга солишда, ҳақиқатни аниқлашда далиллар мақбуллигини таъминлашда судья, прокурор, терговчи, суриштирувчи, ҳимоячи, шунингдек жиноят ишини юритишда иштирок этувчи барча шахслар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ЖПК ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларига аниқ риоя этишлари ва уларнинг талабларини бажаришлари муҳим ўрин тутadi.

А д а б и ё т л а р:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. “Ўзбекистон” - 2024 йил;
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси. “Адолат” - 2024 йил.
3. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. “Прокуратура тўғрисида”. 2001 йил 29 августдаги 257-II-сон янги таҳрирда.
4. Ўзбекистон Республикаси қонуни. “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”. 2012 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-344-сон.
5. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. “Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”. 2017 йил 6 сентябрдаги ЎРҚ-442-сон.
6. Г.В. Нефадовский. Жиноят процессида ҳақиқатни аниқлаш муаммоси - фалсафа муаммоси сифатида. Москва - 2007 й.

7. Гадоймиров Б. О. Вояга етмаганлар маъмурий жавобгарлигининг бугунги кунда долзарблиги //Analysis of world scientific views International Scientific Journal. – 2024. – Т. 2. – №. 5. – С. 90-95.

8. Гадоймиров Б. О. Вояга етмаганлар ўртасида фирибгарлик жиноятининг сабаблари ва унинг олдини олиш //Analysis of world scientific views International Scientific Journal. – 2024. – Т. 2. – №. 3. – С. 39-44.